

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ АХРОР ҚОСИМАЛИЕВИЧ

**ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИНИ СОЦИОЛОГИК ВА ЭКСПЕРТ-
ТАҲЛИЛИЙ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.01 — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2020

Докторлик (DSc) диссертацияси авторефератининг мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Science (DSc)

Худойбердиев Ахрор Қосималиевич

Ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий

таъминлашни такомиллаштириш 3

Худойбердиев Ахрор Қосималиевич

Совершенствование социологического и экспертно-аналитического
обеспечения правотворчества 25

Khudoyberdiev Akhror Kosimalievich

Improving the sociological and expert analytical support of legislative
activity..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Үн.22.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИ

ХУДОЙБЕРДИЕВ АХРОР ҚОСИМАЛИЕВИЧ

**ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИНИ СОЦИОЛОГИК ВА ЭКСПЕРТ-
ТАҲЛИЛИЙ ТАЪМИНЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.01 — Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи.
Ҳуқуқий таълимотлар тарихи

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент — 2020

Фан доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Үч 65 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мухамедов Ўткирбек Ҳазратқулович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Миракулов Миравзал Миродилович
юридик фанлар доктори, профессор

Тулътеев Иляс Товасович
юридик фанлар доктори, доцент

Бердияров Шухрат Намазбаевич
юридик фанлар доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Үч.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 11 декабрь соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2020 йил « __ » _____ да тарқатилди.

(2020 йил « __ » _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Р. Р. Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

И. Р. Беков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

М. А. Аҳмедшаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлаш муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, БМТнинг 1986 йил 4 декабрдаги 41/128-сонли резолюцияси асосида тасдиқланган ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги декларацияда инсон ривожланиш жараёнларининг асосий марказида бўлиши зарурлиги қайд этилган. Шундай экан, ҳуқуқ ижодкорлиги сифатини оширишда, уни социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлашда инсон ҳуқуқлари, манфаат ва эҳтиёжларининг қонунларда акс этишига алоҳида урғу бериш лозим. «World Justice Project» халқаро фуқаролик жамияти ташкилоти томонидан юритиладиган «Қонун устуворлиги» индекси бўйича 2020 йил учун ҳисобот эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон умумий рейтингда 0,47 балл билан 92-ўринни эгаллади¹. Ҳисоботда келтирилган кўрсаткичлар мамлакатимиз ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида жамоатчиликнинг кенг иштирокини таъминлаш билан боғлиқ нормаларни янада такомиллаштириш зарурати мавжудлиги кўрсатмоқда.

Жаҳонда жамият сиёсий ва ҳуқуқий тизимини замон талаблари асосида ислоҳ этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатли таъминлаш, халқ ҳокимиятчилигини қарор топтириш, қонунларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик таъминлаш, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, қонун ижодкорлари томонидан ижтимоий фикрни ўрганиш ва инобатга олиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини эксперт-таҳлилий таъминлаш самарадорлигини ошириш масалаларини илмий тадқиқ этиш, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва янги инновацион илмий ишланмалар яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонун лойиҳаларида халқ манфаатларини ифода этиш, қолаверса, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида фуқаролар иштирокини жадаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш, халқ билан мулоқотнинг самарали механизмларини жорий этиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шаклларини ривожлантириш... муҳим вазифалар сифатида белгилаб ўтилган»². Шу боис, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини

¹ <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/Uzbekistan>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2017. — № 6. — 70-модда.

эксперт-таҳлилий таъминлаш самарадорлигини ошириш масалаларини илмий тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992), Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги (2006), «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги (2014), «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2018), «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги (2020) фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Ҳуқуқ ва социологиянинг ўзаро муносабати, ҳуқуқ социологиясининг фан сифатида шаклланиши, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлаш масалалари New York University, Chicago University, Harvard University, Washington University school of Law (АҚШ), Newcastle University, Library of House of commons, Oxford University, Cambridge University, Queen Mary University (Буюк Британия), Frankfurt Universität, München Universität (Германия), Pantheon Sarbonne (Франция), The University of Toronto (Канада), The University of Ottawa (Канада), Jagiellonian University (Польша), Naruto University of Education Graduate School, The University of Nagoya (Япония), Москва давлат университетларида тадқиқ этилмоқда.

Жаҳонда ҳуқуқ ижодкорлигида ижтимоий фикрнинг ифодаланиши, қонун ижодкорлигини эксперт-аналитик таъминлашни такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижаларга эришилган. Хусусан, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида халқнинг фикрини инобатга олиш ва қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик фикрини ифодалашни такомиллаштириш масалалари ўрганилган (New York University, Chicago University АҚШ), давлат бошқаруви ва мансабдор шахслар фаолияти бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг замонавий шакллари ривожлантириш, ижтимоий шериклик масалалари, фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий ва сиёсий фаоллигини

¹ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.loc.gov>, <https://www.law.ucla.edu>, <https://www.law.berkeley.edu>, <https://www.uchicago.edu>, <https://www.edu>, <https://www.gruterinstitute.org>, <https://www.law-manchester.ac.uk>, <https://www.esrc.ac.uk>, <https://www.parliament.uk/post>, <https://www.fondatiodroitcontinental.org>, <https://www.uottawa.ca>, <https://www.meiji.ac.jp>, <http://www.kansai-u.ac.jp>, <http://www.en.uj.edu.pl>, <https://www.iolaw.org.cn>, <https://www.centrlaw.ru>, <https://www.izak.ru>, <https://www.tsul.uz> ва бошқа манбалардан олинган.

оширишнинг устувор йўналишлари тадқиқ этилган (Oxford University, Cambridge University Буюк Британия), қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш ва қонун ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлашни такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган (Frankfurt Universität, München Universität Германия), ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида ижтимоий фикрни инобатга олиш ва бу жараёнида эксперт-таҳлилий таъминлашни такомиллаштириш масалалари Санкт-Петербург ва Москва давлат университетларида тадқиқ этилмоқда.

Дунёда ҳуқуқ ва социологиянинг моҳияти, мазмуни ва ўзаро алоқадорлиги, қонунчилик социологияси ва ундан ҳуқуқ ижодкорлигида фойдаланишнинг назарий асослари, ҳуқуқ ижодкорлигида социологик тадқиқотларнинг моҳияти, мазмуни ва тартиби, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ижтимоий фикрни ўрганиш тизими билан боғлиқ масалалар, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш, жамият аъзолари фикрларини ўрганиш ва уларни қонун ижодкорлиги жараёнига татбиқ этиш, ички ишлар органларининг норма ижодкорлиги, ҳуқуқ ижодкорлиги истиқболлари, ҳар бир ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиш жараёнида халқ манфаатларини ҳисобга олишнинг устувор йўналишлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлаш, қонун ижодкорлигида ижтимоий фикрни ифодалаш самарадорлигини ошириш масалалари ҳар доим тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига жалб этиб келган.

Мамлакатимизда, ҳуқуқ ва қонун ижодкорлиги жараёнида академиклар А. Х. Саидов ва Ш. З. Ўразаев, профессорлар А. А. Азизходжаев, М. А. Ахмедшаева, Ш. Н. Бердиёров, З. М. Исломов, Ў. Ҳ. Мухамедов, М. М. Миракулов, М. К. Нажимов, Ҳ. Т. Одилқориев, Ф. Х. Отахонов, М. Ражабова, Ф. Х. Рахимов, А. С. Турсунов, И. Т. Тультеев, М. М. Файзиев, О. Т. Хусанов, Р. Р. Хакимов, Х. С. Хайитов, Ш. У. Якубов ва бошқалар томонидан; ижтимоий фикрни ўрганиш О. Б. Ата-Мирзаев, З. Х. Арифханова, М. Бекмуродов, М. Х. Ганиева, Р. Назаров, Р. А. Убайдуллаева, А. Холбеков ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижий мамлакатларда ҳуқуқ ижодкорлиги ва бу жараёнда ижтимоий фикрнинг ролига оид айрим масалалар хусусида бир гуруҳ олимлар, жумладан, С. С. Алексеев, Ю. В. Арутюнян, В. К. Бабаев, М. А. Бокий, L. R. Brown, Л. М. Дробижева, Ж. Карбонье, Н. Н. Карцева, Д. А. Керимов, Д. А. Ковачев, В. С. Коробейников, В. В. Лапаева, М. Н. Марченко, М. А. Макеева, Ф. Э. Мухаметшин, В. С. Нерсисянц, С. В. Поленина, Р. А. Сафаров, Б. Л. Тольбаев, Ю. А. Тихомиров, И. А. Федякинлар тадқиқот ўтказган. Хусусан М. Кержнер ва А. Самандаров ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олишнинг айрим масалаларини тадқиқ этганлар².

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида социологик тадқиқотларнинг ўрни ва аҳамияти масаласи мамлакатимиз ва хорижий давлатлар социологларини ҳам ўзига жалб қилган. Г. Спенсер, Э. Дюркгейм, М. Вебер, В. В. Касьянов,

В. Н. Нечипуренко, В. Н. Дубовицкий, Г. В. Осипов, Ҳ. Б. Саитходжаев, В. В. Варчук, Е. В. Масловская, М. В. Масловский ана шулар жумласидандир¹.

Мазкур муаллифларнинг тадқиқотлари мавзуни чуқур ўрганишда катта илмий аҳамиятга эга бўлди. Лекин уларда Ўзбекистон Республикасининг қонун ижодкорлиги жараёнида ижтимоий фикрни ифодалашнинг назарий муаммолари тўлиқ тадқиқ этилмаган. Шунингдек, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини социологик ва эксперт-аналитик таъминлаш масалалари ҳам ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан қиёсий ва яхлит ҳолда ўрганиладиган алоҳида тадқиқот мавзуи бўлмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг 2018–2021 йилларга мўлжалланган истиқболли дастурининг «Давлат ҳокимиятини демократлаштириш ва ҳуқуқни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш» мавзуидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлаш масалаларини юридик нуқтаи назардан таҳлил қилиш асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қонунчилик социологиясининг шаклланиши ва унинг назарий асосларини таҳлил этиш;

қонун лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил этиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлашнинг хорижий тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш;

ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида социологик тадқиқотлардан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволини ўрганиш;

қонун ижодкорлигини социологик таъминлаш тизимида ижтимоий фикрнинг аҳамияти ва ўрнини ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этиш;

ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини эксперт-аналитик таъминлашнинг моҳияти ва аҳамиятини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш;

ички ишлар органларида ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг хусусиятларини очиқ бериш;

ички ишлар вазирлиги тизимида ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини эксперт-аналитик таъминлаш механизмини ўрганиш;

ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик, эксперт-аналитик таъминлаш самарадорлигини оширишнинг ташкилий жиҳатларини тадқиқ этиш;

¹ Адабиётлар рўйхати диссертация библиографиясида келтирилган.

қиёсий таҳлил асосида ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини социологик ва эксперт-аналитик таъминлаш масалалари тўғрисида илмий-назарий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлаш жараёнида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети ҳуқуқ ва қонун ижодкорлиги жараёнида ижтимоий фикрни ифодалашни эксперт-таҳлилий таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатлари, уларнинг амалга оширилиши ҳамда юридик фанда мавжуд концептуал ёндашув ва илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик экспертизасининг тутган ўрни, аҳамияти, «жамоатчилик экспертизаси» тушунчасининг юридик таърифи «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан асослангилган;

ҳуқуқ ижодкорлиги, айниқса, қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва инобатга олишнинг муҳимлиги, мазмуни, амалий аҳамияти «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун билан асосланган;

ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтлари ва илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирокининг таъсирчан механизмини яратиш зарурати «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонуни билан асослаб берилган;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этишнинг самарали механизмларини шакллантириш, давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари томонидан амалга оширилиши лозимлиги «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни билан асосланган;

қонунчилик жараёнини такомиллаштириш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ижтимоий фикрни ўрганиш ҳамда қонунчилик социологиясининг шаклланиши, тараққиёти, ҳуқуқ ижодкорлигида ижтимоий фикрнинг ифодаланиши, қонун ижодкорлиги жараёнини социологик ва эксперт-аналитик таъминлаш масалалари парламент фаолиятини ўрганиш методологияси сифатида намоён бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтқа-

зиш тўғрисидаги қоида мустаҳкамланган. Қонуннинг 12-моддасига берилган таклиф «жамоатчилик экспертизаси» тушунчасининг юридик таърифини қонунда мустаҳкамлашга хизмат қилган;

жамоатчилик фикри тўғрисидаги қоидаларнинг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасида мустаҳкамланиши турли ижтимоий гуруҳларнинг фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этиш механизмини яратишга хизмат қилган;

«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига киритилган таклифлар, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан, фуқаролик жамияти институтлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида жамоатчилик фикрини ўрганиш ташкил этилишига хизмат қилган;

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонун ҳужжатларининг ўзаро таҳлил қилингани, ўтказилган ижтимоий сўровноманинг анкета сўрови шаклига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шу йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, қонун ижодкорлигида, қонунчилик нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, парламент фаолиятини такомиллаштириш, олий таълим муассасаларида тингловчи ва талабаларга маърузалар ўқишда, уларнинг тафаккури, парламент ҳуқуқига оид билимларини чуқурлаштиришда дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар, қонунларга шарҳлар тайёрлашда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнида, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва парламент фаолиятини такомиллаштиришда, олий таълим муассасаларида тингловчи ва талабаларга маърузалар ўқишда, уларнинг тафаккури, парламент ҳуқуқига оид билимларини чуқурлаштиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлаш масалаларини тадқиқ этиш орқали олинган натижалар асосида:

хуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик ва эксперт-аналитик таъминлашнинг ташкилий-хуқуқий асосларини такомиллаштириш билан боғлиқ таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритишда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 7 мартдаги 06/2-05/378вх сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш жамиятда қонун ҳужжатларини тайёрлашда жамоатчилик экспертизасини ўтказишнинг хуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

қонун ижодкорлиги фаолиятида жамоатчилик фикрининг ўрганилиши ва инobatга олинлиши билан боғлиқ таклифлар «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 13-моддасини шакллантиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2019 йил 7 мартдаги №06/2-05/378 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш жамиятда қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва инobatга олишнинг хуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишида фуқаролик жамияти институтларининг ва илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил этиш «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Қонун лойиҳасини тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш» деб номланган 16-моддасини шакллантиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 6 февралдаги №06/1-05/378 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қонун ижодкорлик фаолиятини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлашни шакллантириш ва аҳолининг қонун лойиҳалари бўйича билдирган таклиф ва мулоҳазаларини такомиллаштириш бўйича хуқуқий асосларни мустаҳкамлашга хизмат қилган;

ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда нодавлат ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш билан боғлиқ таклифлар «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасини шакллантиришда инobatга олинган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-хуқуқ масалалари қўмитасининг 2019 йил 6 февралдаги №06/1-05/378 вх-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш қонун ижодкорлиги фаолиятида аҳолининг қонун лойиҳалари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдириш тартиб-таомилларини такомиллаштиришнинг хуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилган;

қонунчилик жараёнини такомиллаштириш, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда ижтимоий фикрни ўрганиш ва уни қонунларда ифодалаш масаласи тўғрисидаги фикрлар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон

Республикаси Ички ишлар вазирлиги академик лицейлари учун тавсия қилинган ўзбек тилидаги «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» (2019) дарслигининг тегишли бобларида ўз аксини топган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 531-сон буйруғи билан берилган 531-298 рақамли гувоҳнома). Илмий натижалардан фойдаланиш қонун ижодкорлиги жараёнини социологик ва эксперт-аналитик таъминлашнинг методологик асосларини ривожлантиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 37 та, жумладан 2 та халқаро, 35 та республика миқёсидаги илмий анжуманда муҳокамадан ўтказилиб, маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 та илмий иш, жумладан битта монография, 12 та мақола (улардан 2 таси хорижда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, матни 224 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлашнинг методологик асослари**» деб номланиб, бешта параграфни ўз ичига олган. Ушбу бобда ҳуқуқ ва социологиянинг моҳияти, мазмуни ва ўзаро алоқадорлиги; қонунчилик социологияси ва ундан ҳуқуқ ижодкорлигида фойдаланишнинг назарий асослари, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида социологик тадқиқотларнинг моҳияти, мазмуни ва тартиби, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида ижтимоий фикрни ўрганиш тизими билан боғлиқ масалалар батафсил ёритилган ҳамда олимларнинг бу борадаги фикрлари таҳлил этилган.

Диссертацияда ҳуқуқнинг мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиши, у инсониятнинг биргалашиб яшаши натижасида вужудга келиши, жамият тараққий этиши жараёнида унинг мазмун-моҳияти ўзгариб бориши, тараққиёт давомида ҳуқуқшунослик илми ва ҳуқуқий ходисаларни ўрганиш, билимлар тўплаш ва ривожлантиришнинг яхлит тизими шаклланганлиги эътироф этилган. Ҳуқуқнинг серқирралиги, кўп маъноли ва мураккаблиги унинг ижтимоий ҳаётни тартибга солувчи восита

сифатида жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини белгилашда, ижтимоий нормалар билан алоқадорлиги ва ўзаро муносабатини очиб беришда, бошқа фанлар билан алоқаси ва ўзаро нисбати масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Муаллиф ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлар, таълимотларни таҳлил қилиш асосида «ҳуқуқ» тушунчасини қуйидагича талқин этади: ҳуқуқ — жамият ҳаёти учун энг муҳим муносабатларни тартибга солувчи, давлатнинг ваколатли органлари томонидан ўрнатиладиган ва қўриқланадиган, барча учун мажбурий бўлган ҳуқ-атвор қоидаларининг йиғиндисидир.

Тадқиқот ишида социология ҳуқуқшунослик фанларига нисбатан янги фан ҳисобланиши, социология ва унинг тадқиқотлари жамият ҳаётида ўз ўрнини топганлиги, ҳуқуқий тартибга солиш ижтимоий тартибга солишнинг бир қисми эканлиги, ушбу жараёнда ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳуқуқий тартибга солинаётган жараёнларга ижтимоий таъсир механизмлари-ни, ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишнинг кенгрок ижтимоий меха-низмларига интеграциялашувини батафсил ўрганишга қаратилганлиги таъкидланади.

Тадқиқотчи ҳуқуқ социологияси умумий ҳуқуқ назариясининг ажралмас қисми ва асосий йўналишларидан бири эканлигини қайд этади. У ҳуқуқ социологиясини социологияга асосланиб, барча соҳавий юридик фанлар учун умумий аҳамиятга эга ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқ соҳасида намоён бўлишини ўрганади.

Диссертант ҳуқуқ ва социология фанларининг кесишган нуқтасида, янги фан — ҳуқуқ социологияси шаклланганлигини, бу фаннинг ривожланишига ҳар иккала соҳа вакиллари ҳисса қўшганлигини таъкидлаган; ҳуқуқ социологияси фани ривожланиши учун ҳуқуқнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш зарурлигини, шу боис ҳуқуқ социологиясини ҳуқуқий фан сифатида ривожлантириш муҳимлигини эътироф этади.

Тадқиқот ишида қонунчилик социологиясининг аҳамияти, вазифалари, ривожланиш босқичлари, замонавий талқини, қонунчилик ва социологиянинг ўзаро муносабати, қонунларнинг самарадорлиги, қонун ижодкори томонидан инсон ҳуқ-атвори мотивларининг инобатга олиниши, ҳуқуқ социологияси асосчиларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги нуқсонлар тўғрисидаги фикрлари таҳлил этилган.

Диссертант қонун ижодкорлигини социологик таъминлаш жараёни борасида олимларнинг фикрларини ривожлантириб, ушбу жараённи қуйидаги босқичларга бўлади: а) қонун ҳужжатлари орқали ҳал қилинадиган муаммони аниқлаш ва таҳлил қилиш; б) қонун лойиҳасининг мақсадларини аниқлаштириш; с) кутилаётган ва эҳтимол тугилган ҳуқуқий таъсирнинг истиқболини баҳолаш; д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мазмунини ишлаб чиқиш; е) ҳужжатга расмий тус бериш.

Тадқиқотчи қонун ижодкорлиги социологиясининг вазифалари сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтади: 1) ҳуқуқий тартибга солишнинг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги, қонунлар қабул қилинадиган қарорлар асосидаги омиллар мавжудлиги; 2) қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланила-

диган маълумотларнинг ишончлилиги; 3) қонун лойиҳаларининг мазмуни ҳақиқат ва ҳуқуқий амалиёт эҳтиёжларига мувофиқлиги.

Муаллиф рус олими В.Глазириннинг фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда қонунчилик социологиясини уч қисмга, яъни қонун ижодкорлигидан олдинги социология, қонун ижодкорлиги социологияси, қонун ижодкорлигидан кейинги социологияга бўлиш мақсадга мувофиқлигини уқтиради.

Диссертант олимларнинг фикрларини таҳлил қилиш асосида социологик тадқиқотлар деганда ўрганиладиган ҳодиса ва жараёнлар тўғрисида ҳаққоний маълумотлар олиш, умумий мақсадларга эришиш учун бирлашган, тизимли равишда амалга ошириладиган илмий, ташкилий-методик ва техник ҳаракатлар ҳамда тартиб-таомиллар йиғиндиси тушунилишини таъкидлайди.

Шунингдек, муаллиф ҳуқуқ ижодкорлигида ижтимоий фикрни ўрганиш технологиясини таҳлил қилиш орқали қонунчилик жараёнида ижтимоий фикрни ҳисобга олиш ҳуқуқ яратиш жараёнида ижтимоий воқеликнинг асосий, объектив зарур томонларини, шунингдек ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ нормалари ўрнатилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилинишига муносабатини аниқлаб олишда ёрдам бериши ҳақида хулосага келади.

Диссертациянинг «**Ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлаш механизми**» деб номланган иккинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, унда қонун ижодкорлигини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлашнинг моҳияти, аҳамияти, вазифалари ва мазмуни ижтимоий фикрни ўрганиш технологияси ҳамда ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида эксперт-таҳлилий ишларни олиб бориш тартиблари таҳлил қилинган.

Диссертацияда социология ва социологик тадқиқотлар бугунги жамиятнинг тараққиётини белгиловчи омиллардан бири эканлиги, жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг эҳтиёжлари, талаб ва истакларини ўз вақтида англаш ҳамда қонун ижодкорлигида самарали қўллаш давр талаби ҳисобланиши, шу сабабли ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида социологик тадқиқотлар натижаларидан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эгалиги таъкидланади.

Муаллиф қонун ижодкорлиги жараёнини экспертлар билан таъминлаш ҳуқуқ соҳасида зарур билимларга эга мутахассисларнинг қонун лойиҳасининг келажагини ҳар томонлама баҳолашидир, деган хулосага келади.

Тадқиқотчи эксперт-таҳлилий таъминлашнинг умумий ва махсус вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: а) умумий, яъни қонун лойиҳасини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумий баҳолаш, қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиш, давлат манфаатлари ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш, қонунчилик технологиялари қоидаларига риоя этиш; б) махсус, яъни ҳуқуқий, лингвистик, иқтисодий, коррупцияга қарши, экологик ва бошқа кўрикдан ўтказиш.

Тадқиқотлар асосида диссертант «ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини таҳлилий таъминлаш» тушунчасининг муаллифлик таърифини ишлаб чиққан. Унга кўра, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини таҳлилий таъминлаш — норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича фактик маълумотларни шакллантириш

усулларининг йиғиндиси бўлиб, уларни ҳар томонлама баҳолаш, қиёслаш, ҳуқуқ ижодкорлиги амалиётига мослаш ва янги ҳужжат ишлаб чиқиш жараёнидир.

Диссертациянинг «**Ички ишлар органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик ва эксперт таҳлилий таъминлашнинг хусусиятлари**» деб номланган учинчи боби уч параграфдан иборат бўлиб, унда ички ишлар органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг хусусиятлари, Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини эксперт-таҳлилий таъминлаш механизми, Вазирлик ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик таъминлашнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишида ички ишлар органларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишдаги ваколатлари асосан қонунчилик ташаббуси субъектлари учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги иштироки билан белгиланиши, шу билан бирга ички ишлар органларининг қонунчилик жараёнидаги иштироки ташаббускорлик тартибда ҳамда бошқа давлат ҳокимияти органларининг топшириғи асосида амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган. Ички ишлар органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этишдан ташқари, қонунлар ва давлат органларининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга, улар бўйича шарҳ ва хулосалар тайёрлашга жалб этилиши жараёнлари таҳлил қилинган.

Муаллиф фикрича, ички ишлар органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг мақсади бошқарувнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, бошқарувга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат. Ички ишлар органларининг норматив фаолиятига ўз хусусиятларига эга бўлган ҳамда турли йўналишлардаги кўплаб технологик усул, техника ва тартиб-таомилларни ўз ичига олган махсус технологик жараён сифатида қаралади.

Ички ишлар органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги — жамият мақсадларига эришишга қаратилган, ички ишлар органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда ва уларнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, белгиланган талабларга мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш ва уларни яратишда иштирок этиш бўйича ваколатлари доирасида амалга ошириладиган, ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган фаолиятидир.

Муаллиф фикрича, ички ишлар органлари қонун ижодкорлиги фаолиятида самарадорликка эришишнинг асосий шarti — жамоатчилик фикрини изчил ўрганиш, бунга турли соҳа мутахассислари бўлган олимлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиётчи ходимларини кенг жалб қилишдир.

Шунингдек, тадқиқот ишида ички ишлар органларининг давлатнинг олий бошқарув (ҳокимият) органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиши ҳамда ушбу соҳада учрайдиган масалаларни назарий-ҳуқуқий жиҳатдан асослантириш масаласи илгари сурилган. Ички ишлар органларининг фаолиятини социологик таъминлаш

уларининг тезкор-қидирув ва ташкилий-бошқарув фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимининг таркибий қисмидир.

Диссертантнинг фикрича, қонунчиликда иштирок этган ички ишлар органлари ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга, тегишли лойиҳаларни экспертизадан ўтказишга, қонун лойиҳалари бўйича шарҳ ва хулосалар бериш ҳамда зарур қўшимча ва тузатишлар ишлаб чиқишга жалб қилиниши мумкин. Бундан ташқари, ички ишлар органларининг вакиллари давлат органларининг қонун ижодкорлиги билан боғлиқ фаолиятида иштирок этишлари мумкин.

Ички ишлар органлари давлатнинг олий ҳокимият органлари, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига таъсир кўрсатадиган ҳамда ички ишлар органларининг фаолиятини ташкил этишда катта аҳамиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол иштирок этади. Қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, ички ишлар органлари ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш уларнинг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Муаллифнинг хулосасига кўра, ички ишлар органларининг фаолиятини социологик таъминлаш тўртта асосий йўналишда амалга оширилади: 1) ички ишлар органларининг фаолияти ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ижобий қиёфаси (имижи)ни шакллантириш бўйича қарор қабул қилиш учун ижтимоий фикрни ўрганиш; 2) патруль-пост хизмати, тезкор ва тергов бўлинмалари, профилактика инспекторлари, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг қонунийликка риоя этиши ва инсон ҳуқуқларини таъминлаши билан боғлиқ аниқ вазиятни ўрганиш; 3) ҳуқуқий тартибнинг ҳолатини ўрганиш, фуқароларнинг хавфсизлиги даражасини баҳолаш мақсадида виктимологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларни кучайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш; 4) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аҳоли турли қатламлари билан ҳамкорлиги бўйича ҳамда ички ишлар органларининг шахсий таркиби билан ишлаш бўйича ижтимоий технологияларни ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг **«Ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари»** номли тўртинчи боби тўртта параграфдан иборат бўлиб, уларда қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлашнинг хорижий тажрибаси, ҳуқуқ ижодкорлигини социологик ҳамда эксперт-таҳлилий таъминлаш самарадорлигини ошириш масалалари, ушбу жараённинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби масалалар тадқиқ этилган.

Муаллиф ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик ва эксперт-таҳлилий таъминлаш бўйича кўплаб хорижий мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Германия, Россия давлатларининг бой тажрибасини ўрганиш асосида Ўзбекистон парламентини такомиллаштириш билан боғлиқ таклифларни илгари суради.

Диссертант қонун ижодкорлигини самарали социологик таъминлаш учун қуйидагилар амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари ҳамда Адлия вазирлиги ҳузурида қонун ижодкорлиги фаолияти субъектларининг буюртмалари бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиб, натижаларини таҳлил қиладиган ва умумлаштирадиган бўлим ташкил этиш. Ҳозирги кунда ушбу органлар социологик тадқиқотларни тарқоқ ҳолда ўтказиётгани сабабли уларни тизимлаштириш талаб этилади. Бунинг учун нафақат парламент аппарати, балки адлия органларига ҳам ижтимоий фикрни ўрганиш ва доимий эксперт сўровлари ўтказиш каби аниқ вазифалар юклатилиши керак. Бундай тадқиқотларни ўтказиш режаси ҳар йили қонун лойиҳасини тайёрлаш режаси билан бир вақтда тасдиқланиши лозим.

2. Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида аҳоли ва экспертлар ўртасида сўров ўтказиш бўйича кўрсатма ишлаб чиқилиши даркор. Унда экспертлар, қонун чиқарувчилар, фуқаролар билан суҳбатлашиш учун намунавий сўровномалар бўлиши керак. Эксперт сўровномаси жамиятнинг эҳтиёжлари, уларни ҳуқуқий тартибга солишдаги зиддият ва камчиликлар, қонунни амалга ошириш механизмларидаги камчиликлар, шунингдек кутилаётган ижтимоий натижалар тўғрисида маълумот тўплашда ёрдам беради. Анкета икки қисмдан, яъни объектив равишда аниқланган маълумотларни тўплашга ҳамда позициялар ва имтиёزلарни ҳамда хабардорлик, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг муносабатларини баҳолаш ва ўрганишга қаратилган қисмлардан иборат бўлиши керак.

3. Қонунларни социологик таъминлашни ташкил қилиш талабларини, шунингдек сўров иштирокчиларини танлаш мезонларини, социологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш зарур.

4. Қонунчилик палатаси социологик таъминланиши лозим бўлган қонунлар рўйхатини аниқлайдиган социологик тадқиқотлар дастурини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Масалан, коронавирус пандемиясини ҳисобга олган ҳолда социологик тадқиқот объекти сифатида соғлиқни сақлаш ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини белгилаш керак. Жамоатчилик фикрини ўрганиш натижалари аҳоли ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим кўрсаткичи бўлади.

Тадқиқот ишида ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини социологик ва эксперт-аналитик таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланган. Қонунларни қабул қилиш жараёнида уларни аҳоли ўртасида ҳар томонлама муҳокама қилиш тизимидан самарали фойдаланиш зарурлигини инобатга олган ҳолда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда депутатларнинг фаоллигини ошириш муҳим.

Диссертацияда жамоатчилик назорати ва жамоатчилик экспертизасининг моҳияти, объекти, асосий принциплари тадқиқ этилган. Жамоатчилик фикрининг ҳолати ҳақидаги билимлардан қонунчилик фаолиятида фойдаланиш тўғрисидаги ишончли илмий билимлар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлигини ижтимоий жиҳатдан таъминлашнинг муҳим омилidir. Жамоатчилик фикрини ўрганиш қонун ижодкорли-

гини илмий қўллаб-қувватлаш тизимидан муносиб ўрин эгаллаши талаб этилади.

Муаллиф фикрича, ижтимоий фикрни ўрганишга асосланган қонунчилик фаолияти ҳуқуқий муносабатлар соҳасида катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, жамиятда ижтимоий психология ва ҳуқуқий муносабатларни рағбатлантиради. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш сифати яхшиланади. Ижтимоий фикрнинг ўрганилиши ва ҳисобга олиниши натижасида жамоатчилик руҳиятида ижобий ўзгаришлар кузатилади.

Диссертацияда қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, халқнинг қонун лойиҳалари бўйича таклиф-мулоҳазаларини ҳар тарафлама ва чуқур ўрганиш, ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан хулосаларни қонунлар мазмунига сингдириш механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Муаллиф фикрича, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектнинг қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритилгунига қадар жамоатчилик фикрини ўрганиши қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис диссертацияда «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг «Қонун лойиҳасини тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш» номли 16-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимиз фуқаролик жамиятининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш орқали жамият ҳар бир аъзосининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаш йўлидан бормоқда. Бунда давлат, жамият ва шахснинг ўзаро ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади. Шу муносабат билан, жамият ҳаётини тартибга солишда, олдимизда турган кенг қамровли масалаларни биргаликда ҳал этишда давлат, жамият ва шахснинг ижтимоий ҳамкорлиги талаб этилади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда ижтимоий шериклик натижасида вужудга келувчи муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжи туғилган.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасини қуйидаги таҳрирда ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади: «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этган ҳолда давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоатчилик-маслаҳат органлари томонидан амалга оширилиши мумкин».

Таҳлилий ҳужжатлар устида олиб борилган ишларнинг якуний натижаси хулосалардир. Таҳлилий ҳужжатнинг қиймати ва фойдалилиги хулосаларнинг мазмуни билан белгиланади. Хулосалар таҳлилий ҳужжатни оддий ахборот маълумотномасидан фарқлаб туради. Аналитик иш хулосаларида қўлланилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлик даражаси ва таҳлил асосида

аниқланган сабаб-оқибат алоқалари баҳоланади. Ҳодисаларнинг ривожланиш йўналишлари ҳамда қабул қилинаётган қонунлар туфайли ўрганилаётган муаммоларни ҳал этиш имкониятлари аниқланади.

ХУЛОСА

Илмий тадқиқот натижаларига асосланиб, куйидаги йўналишлар бўйича асосий қоида, хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

I. Ҳуқуқ социологиясининг методологиясини бойитишга хизмат қиладиган назарий хулосалар.

1. Ҳуқуқ социологияси — ҳуқуқ ва социология фанларининг кесишган нуқтасида шаклланган, ўзининг мустақил объекти ва предметига эга бўлган, ҳуқуқни ташқи томондан эмас, балки мазмун-моҳиятини чуқур англаш орқали амалий жиҳатдан ўрганувчи ҳуқуқий фандир.

2. Ҳуқуқ социологияси фанининг объектини — ижтимоий ҳодисаларнинг алоҳида тури ҳисобланган ҳуқуқий ҳодисалар, предметини эса ҳуқуқ вужудга келиши ва амал қилишининг ижтимоий шарт-шароитлари, функция ва механизмлари ҳамда самарадорлиги ташкил этади.

3. Социология нуқтаи назаридан қонун ижодкорлиги ижтимоий мазмунга эга ҳодиса саналади. Қонун ижодкорлиги жараёни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этадиган яхлит тизим ҳисобланади ҳамда қонунни ишлаб чиқишни тақозо этувчи объектив ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, психологик омилларнинг мавжудлигини англашдан тортиб, қонун матнини тайёрлаш ва оммавий муҳокама қилишгача бўлган барча жараёнларни қамраб олади.

4. Ҳуқуқ ва социологиянинг ўзаро муносабати қонун ҳужжатларининг самарадорлигида яққол намоён бўлади. Қонун ва умуман, қонунчиликнинг самарадорлиги, том маънода, ҳуқуқнинг умуммажбурийлик табиатини ифодалайди. Қонунларнинг амал қилиши ҳуқуқий қоидаларнинг ижтимоий муносабатларда татбиқ этилишини тақозо этади.

5. Қонунчилик социологияси ҳуқуқ социологияси доирасидаги тадқиқотлар мажмуи бўлиб, қонунчилик механизмнинг амал қилишини ташқи ва ички томондан ўрганиш билан шуғулланади.

6. Қонунчилик социологиясида қонун ижодкори томонидан инobatга олиниши лозим бўлган энг муҳим масала инсон хулқ-атворининг мотивлари, яъни инсонни муайян бир ҳаракатни содир этишга ундайдиган туртки ва таъсирни аниқлашдир. Ҳар бир фуқаро ва қонун ижодкори буни чуқур англаб етиши лозим.

7. Мамлакатимиз қонун ижодкорлиги жараёнига илғор ғояларнинг кириб келиши ишлаб чиқилаётган қонунларнинг сифат ва самарадорлиги оширилишига, аҳолининг турмуш тарзи ва орзу-истаклари мужассам ифодаланишига замин яратади. Шу сабабли, мамлакатимиз парламентининг қонун ижодкорлиги фаолиятида қонун лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси алоҳида аҳамият касб этади. Бугун ҳуқуқий экспертиза қонун чиқариш жараёни ва ҳуқуқ ижодкорлигининг муҳим таркибий қисмига айланиб

улгурди. Ҳозирги вақтда республикамизда қонунчилик лойиҳаларини экспертизадан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари яратилган, аммо унинг бекаму кўст ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш зарур, қабул қилинаётган ҳужжатларнинг сифат ва самарадорлиги, улар халқчил ва демократик бўлиши учун ҳуқуқий экспертизанинг янги турларини (антикоррупцион, экологик, гендер, жамоатчилик ва ҳ.к.) амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмини яратиш, яъни йўриқнома, методик қўлланма ва тавсиялар ишлаб чиқиш, экспертларни тайёрлаш, нодавлат экспертиза марказлари ташкил этиш каби ишларни бажариш мақсадга мувофиқдир.

8. Қонунлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш принципларига қўйидагилар киритилиши мумкин: қонунийлик, экспертиза ўтказаетган шахсларнинг юксак малака соҳиби бўлиши, экспертларнинг ўз ваколатлари доирасида мустақиллиги, аниқ қарор ва хулосаларни қабул қилишда холислик, қонун лойиҳаларининг тўлиқ таҳлили учун жавобгарлик, экспертиза хулосаларининг асосланганлиги.

